

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/29.10.2021.К/Т.60.05 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСАЕВ ЮСУП ТОЖИМАМАТОВИЧ**

**ШИРИНМИЯ (GLYCYRRHIZA GLABRA L.) ИЛДИЗИ АСОСИДА  
БИОЛОГИК ФАОЛ МОДДАЛАР ОЛИШ ҲАМДА ХАЛҚ ТАБОБАТИДА  
ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

**02.00.09 – Товарлар кимёси**

**14.00.41 – Халқ таобати**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of the abstract of dissertation doctor of science**

**Исаев Юсуп Тожимамаатович**

Ширинмия (*Glycyrrhiza glabra* L.) илдизи асосида биологик фаол моддалар олиш ҳамда халқ табобатида қўлланилиши ..... 3

**Исаев Юсуп Тожимамаатович**

Получение биологически активных веществ на основе корней солодки а также применение в народной медицине ..... 29

**Isaev Yusup Tojimatovich**

Obtaining biologically active substances based on licorice roots and use in traditional medicine ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works ..... 59

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/29.10.2021.К/Т.60.05 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСАЕВ ЮСУП ТОЖИМАМАТОВИЧ**

**ШИРИНМИЯ (GLYCYRRHIZA GLABRA L.) ИЛДИЗИ АСОСИДА  
БИОЛОГИК ФАОЛ МОДДАЛАР ОЛИШ ҲАМДА ХАЛҚ  
ТАБОБАТИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

**02.00.09 – Товарлар кимёси**

**14.00.41 – Халқ табobati**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.DSc/K129 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.adu.uz](http://www.adu.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Асқаров Иброҳим Раҳмонович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Гафуров Махмуджон Бакиевич**  
кимё фанлари доктори, профессор  
**Каримқулов Қурбонқул Мавлонқулович**  
техника фанлари доктори, профессор  
**Шамшидинов Исроилжон Турғунович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги DSc.03/29.10.2021.К/Т.60.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100 Андижон ш., Университет кўч. 129. Тел.: (99877)223 88 30, факс:(99874) 223 84

Диссертацияси билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон ш., Университет кўч. 129. Тел.: (99874) 223 88 30, факс : (99874) 223 84 33) e-mail: [yusufjon@inbox.ru](mailto:yusufjon@inbox.ru)).

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Х.Исақов**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
раиси, тех.ф.д., профессор

**М.М.Мўминжонов**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к.ф.д.

**Ш.В.Абдуллаев**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар  
раиси, к.ф.д., профессор

## **Кириш (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда доривор ўсимликлар таркибидан ажратиб олинган биологик фаол бирикмалар асосида тайёрланган озик-овқат қўшилмалари ва шифобахш моддаларга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу борада ўсимлик моддаларини модификациялаш ва уларнинг композицияларини олиш орқали табиий озик-овқат қўшилмаларининг биологик фаоллигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун янги турдаги биологик фаол моддалар манбаларини аниқлаш, уларни модификациялаш, аналогларини синтез қилиш ҳамда янги турдаги зарарсиз ва экологик тоза биологик фаол озик-овқат қўшилмаларини ишлаб чиқиш, уларни амалиётга татбиқ этиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Жаҳонда ўсимликлардан ажратиб олинган табиий биологик фаол моддалар асосида синтетик дори воситаларини ўрнини босувчи озик-овқат қўшилмалари ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада янги препаратлар ишлаб чиқишнинг қулай ва истиқболли йўлларида бири мавжуд дори воситалари ва физиологик фаол моддаларни ўсимлик табиатига эга бўлган биологик фаол моддалар билан молекуляр капсулалаш, ширинмия илдизидан ажратиб олинган глицирризин кислотасининг тиббиётда қўлланиб келинаётган айрим синтетик дори воситалари ва физиологик фаол моддалар билан молекуляр комплекслар олиш, ширинмия илдизи экстракти асосида шифобахш озик-овқат қўшилмалари ишлаб чиқиш ҳамда ТИФ ТН бўйича синфлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда табиий манбалардан биологик фаол моддаларни ажратиб олиш ва улар асосида янги турдаги биологик фаол озик-овқат қўшилмалари ишлаб чиқиш борасида муайян натижаларга эришилди. Ушбу йўналишда ширинмия каби маҳаллий доривор ўсимликлар асосида янги турдаги шифобахш озик-овқат қўшилмалари тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилган чора-тадбирлар асосида бир қатор доривор ўсимликлар таркибидан биологик фаол бирикмаларни ажратиб улар асосида модификациялашган бирикмалар синтез қилиш ва уларни қўллашда муҳим натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида<sup>1</sup> “озик-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари бозорларида таклифни ошириш ва мавсумий тақчилликларни бартараф этиш” бўйича амалга оширилиши муҳим бўлган вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон ҳудудида ўсувчи *Glycyrrhiza* оиласига мансуб ширинмия ўсимлиги (*Glycyrrhiza glabra* L.) илдизидан глицирризин кислотаси ва бошқа биологик фаол бирикмаларни ажратиб олиш, улар асосида янги биологик фаол моддалар синтез қилиш, кимёвий таркиби бўйича тегишли товар кодлари беришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 октябрдаги ПҚ-

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январьдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

3968-сон «Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 январдаги «Ўзбекистон Республикасида қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 63-сонли Қарори, ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. “Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Ширинмия илдизи ва унинг таркибига кирувчи биологик фаол моддаларни қўллаш, глицирризин кислотасининг янги биологик фаол ҳосилаларини олишга йўналтирилган илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида, жумладан Department of Family Medicine, University of Idaho, Division of Pharmacognosy and Natural Products Chemistry, The Ohio state university (АҚШ), Department of Pharmacy, Dalhousie University, Halifax, Nova Scotia (Канада), Department of Medical and Surgical Sciences-Endocrinology, University of Padua, (Италия), Departments of Community Medicine, Gastroenterology and Radiology, University of Sheffield (Англия), Medical Clinic University Hospital Kassel (Германия), Pharmacological Laboratory, University of Amsterdam (Нидерландия), Laboratoire de Biochimie Générale et Nutritionnelle, Toulouse (Франция), School of Traditional Chinese Medicine, Southern Medical University, Department of Rheumatology (Хитой), Department of Cardiovascular Surgery, Teikyo University (Япония), Department of Veterinary Medicine, King Saud University (Саудия Арабистони) Velayat Clinical Research Development Unit, Department of Internal Medicine (Эрон), Россия ФА Уфа илмий маркази, Севастополь университети Политехника институти (Россия), Доривор воситалар ва тиббиёт маҳсулотлари давлат илмий маркази (Украина), Ўзбекистон миллий университети, Тошкент фармацевтика институти, Гулистон давлат университети, Ўзбекистон Республикаси ФА Биоорганик кимё институтида олиб борилмоқда.

Ширинмия илдизи ва илдиз экстракти асосида биологик фаол моддалар олиш ва уларни амалиётга жорий қилишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: жумладан, глицирризин кислотасининг айрим фармацевтик препаратлар билан молекуляр комплекслари олиниб, айрим физик-кимёвий

---

<sup>2</sup> <https://www.scopus.com/>; <https://www.sciencedirect.com/>; <https://www.researchgate.net/>; <https://www.uidaho.edu.us/>; <https://www.yale.edu/>; <https://www.sheffield.ac.uk/>; <https://cuhk.edu.hk/>; <https://www.teikyo-u.ac.jp/>; <https://www.uva.nl/>; <https://www.osmaniye.edu.tr/>; <https://www.sevsu.ru/> ва бошқа мабалар асосида ишлаб чиқилган.

хоссалари аниқланган (Россия ФА Уфа илмий маркази, Севастополь университети Политехника институти, Россия), ширинмия илдизи хомашёси ва препаратлари сифатини назорат қилиш методларини такомиллаштирилган (Москва давлат тиббиёт институти, Самара давлат тиббиёт университети, Россия), глицирризин ва глициррет кислоталарининг ДНК ва РНК билан комплекс бирикмалари олиниб хоссалари аниқланган (Department of Chemistry, Islamic Azad University, Эрон), глицирризин ва глициррет кислоталарининг фармакологик фаолликлари, чунончи глицирризин кислотаси ва ширинмия илдиз экстрактини кардиотоник таъсири (Department of Cardiovascular Surgery, Teikyo University, Япония), таркибида ширинмия илдизи ва илдиз экстракти бўлган биологик фаол кўшилмалар олинган (Institute of Medical Sciences. Sanjaya Gandhi, Lucknow, Ҳиндистон, Faculty of Medicine Chinese University of Hong Kong, School of Traditional Chinese Medicine, Хитой), глицирризин кислотаси ва унинг моноаммонийли тузининг лагохилин, госсипол ҳосиллари, бир қатор алкалоидлар, фармацевтик препаратлар, ацетилсалицил кислотаси, қаҳрабо кислотаси, галл кислотаси билан молекуляр комплекслари олинган ҳамда уларнинг биологик фаолликлари аниқланган (Ўзбекистон фанлар академияси Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон миллий университети, Гулистон давлат университети).

Дунёда ширинмия илдизи ва илдиз компонентлари асосида биологик фаол препаратлар олиш бўйича жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: глицирризин кислотасининг фармацевтик препаратлар билан молекуляр комплексларини олиш ва физик-кимёвий хоссалари ҳамда биологик фаолликларини аниқлаш; ширинмия илдизидан биологик фаол моддаларни ажратиб олиш усулларини такомиллаштириш, таркибида ширинмия илдизи компонентлари бўлган бирикмалар асосида турли хил вирусли касалликларни олдини олиш ва даволашда қўлланиладиган ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини ўсиши ва ривожланишини стимулловчи ҳамда ҳосилдорлигини оширувчи янги турдаги биостимуляторлар олиш, уларни кимёвий таркиби асосида ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича синфлаш, таркибида ширинмия илдизи компонентлари бўлган моддаларни стандартлаш методларини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ширинмия илдизидан глицирризин кислотасини ажратиб олиш ва унинг янги ҳосилаларини синтез қилиш бўйича олимлар ва мутахассислар илмий изланишлар олиб бориб, бу соҳани ривожланишига катта ҳисса қўшганлар. Жумладан, швейцариялик В.Ружичка, П.Жерасси, россиялик олимлар И.А.Муравьев, В.Д.Пономарёв, Г.А.Толстикова, Р.М.Кондратенко, Л.А.Балтина, С.Р.Мустафина, А.В.Душкин, С.Ф.Зарудий, В.А.Давидова, Л.А.Яковишин, украиналик А.С.Аммосов, В.И.Литвиненко, хитойлик Х.Zhou, М.Cheng, япониялик олимлар Н.Nayashi, М.Kondo, эронлик S.Nafisi, ўзбекистонлик олимлар Н.К.Абубакиров, И.Р.Аскарров, Д.Н.Долимов, М.Б.Ғафуров, Ҳ.Ҳ.Кушиев, А.Д.Матчонов,

А.Х.Хайитбаев, Р.Нуриддинов, Н.С.Мамасолиев, М.Абдуллаевлар ва бошқалар томонидан глицирризин кислотаси ва унинг биологик фаол ҳосилаларини синтез қилиш ҳамда биологик фаолликларини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Халқ табобатини замонавий тиббиёт билан уйғунлаштириш, халқ табобати усуллар ёрдамида турли касалликларни, жумладан бош мия ўсмаси, жигар циррози, қандли диабет каби оғир касалликларни даволаш, доривор ўсимликлар асосида янги биологик фаол қўшилмалар ишлаб чиқиш соҳасида ўзбекистонлик олимлар салмоқли натижаларга эришганлар.

Илмий адабиётларда глицирризин кислотаси ва унинг моноаммонийли тузи асосида таркибида дори препаратлари ёки бошқа кичик молекуляр массали биологик фаол моддалар тутувчи молекуляр комплекслари олинганлиги, ушбу бирикмаларнинг биологик фаоллиги ўрганилганлиги, янги дори воситалари ишлаб чиқилганлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Лекин таркибида мочевина, тиомочевина, биурет, метилолтиомочевина, аминофеноллар каби аминогуруҳ тутувчи биологик фаол органик моддалар, норсульфазол, сульфазин, сульфапиридазин, сульфаметоксазол, сульфасалазин сульфаниламид препаратлари ҳамда табиий цианогликозид бўлган амигдалин билан молекуляр комплекслар олинмаган ва улар кимёвий таркиби бўйича синфланмаган. Шунинг учун глицирризин кислотаси ҳамда унинг моноаммонийли тузини юқорида номлари келтирилган моддалар билан бирикмаларини олиш, янги бирикмаларни таркиби ва тузилишини ўрганиш, биологик фаоллигини аниқлаш бўйича синовлардан ўтказиш, кимёвий таркиби асосида ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) бўйича тегишли код рақамлари бериш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Мазкур диссертация иши ширинмия ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш, жумладан, ширинмия илдизининг асосий компоненти бўлган глицирризин кислотаси ва унинг моноаммоний тузи асосида янги биологик фаол моддалар олиш, олинган моддаларни амалга татбиқ этиш, ширинмия илдизи ва унинг компонентлари тутувчи бирикмаларн учун янги товар кодлари ишлаб чиқиш, ширинмия илдизи асосида олинган фармацевтик маҳсулотларни стандартлаш усулларини амалга жорий этиш, ҳамда таркибида ширинмия илдизи экстракти сақловчи биологик фаол озиқ-овқат қўшимасини ишлаб чиқишга қаратилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университетининг “Физиологик фаол моддалар синтез қилиш ва кимёвий таркиби асосида синфлаш” илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** глицирризин кислотаси ва унинг моноаммонийли тузининг айрим мочевина ҳосилалари, амигдалин, аминофенол, бир қатор сульфаниламид препаратлар билан янги молекуляр комплексларини олиш, уларнинг таркиби, тузилиши, биологик фаоллигини

аниқлаш ҳамда ТИФ ТН бўйича код рақамлари ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

глицирризин кислотаси ва унинг моно-аммонийли тузининг янги молекуляр комплексларини олиш, олинган бирикмаларнинг айрим физикавий кўрсаткичлари, тузилиши ва таркибини аниқлаш;

лаборатория ва дала синовларида олинган бирикмаларнинг биологик фаоллигини аниқлаш;

олинган бирикмалар учун кимёвий таркиби асосида ТИФ ТН бўйича янги товар кодлари ишлаб чиқиш ва амалда қўллашга тавсия этиш;

куруқ ширинмия илдизи таркибидаги глицирризин кислотаси миқдорини фотометрик усулда аниқлаш;

таркибида ширинмия илдизи экстракти сақловчи FERRAKON BABY биологик фаол озик-овқат қўшилмасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ширинмия илдизи ва унинг қуюқ экстракти, глицирризин кислотаси, унинг моноаммонийли тузи, мис диглицирризинати, мочевина, тиомочевина, метилолтиомочевина, биурет, о-аминофенол, амигдалин, сульфаниламид препаратлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ширинмия илдизидан глицирризин кислотаси ва моноаммонийли тузини ажратиб олиш, ушбу моддалар асосида янги молекуляр комплекслар олиш, уларни биологик фаоллигини ўрганиш, таркибида ширинмия илдизи экстракти бўлган биологик фаол озик-овқат қўшилмаси ишлаб чиқиш ҳамда кимёвий таркиби асосида тегишли товар кодлари ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда экстракция, филтрлаш, лиофиллаш усуллари, хроматографик методнинг юпқа қатламли ва юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮҚХ, ЮССХ) усуллари, изомоляр сериялар методлари, электрон (УБ) ва тебранма (ИҚ) спектроскопия, масс-спектрометрия, биологик фаолликни аниқлаш ва фармакологик тадқиқот ва товарларни ТИФ ТН асосида синфлаш усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор глицирризин кислотаси ва унинг моноаммонийли тузининг мочевина унинг айрим ҳосилалари асосида янги биологик фаол бирикмалар олинган;

илк бор глицирризин кислотаси ва унинг моноаммонийли тузининг норсульфазол, сульфазин, сульфасалазин, сульфациридазин ва сульфаметоксазол билан молекуляр комплекслари олинган;

олинган бирикмаларнинг тузилиши ва таркиби УБ-, ИҚ-спектроскопия, масс-спектрометрия ва изомоляр сериялар методлари ёрдамида аниқланган ҳамда мумкин бўлган структура формуллари исботланган;

олинган комплекс бирикмалар компонентлари ўртасидаги молекулалараро таъсирлашув табиати таҳлили амалга оширилган, комплексларнинг барқарорлик константалари ва комплекс ҳосил бўлиш жараёнининг Гиббс энергиясини камайиши қийматлари ҳисоблаб топилган;

олинган бирикмаларнинг биологик фаоллиги уларни антиоксидант фаоллигини, буғдой ва чигитнинг униб чиқишига ижобий таъсирини, айрим патоген бактериялар ва замбуруғларларнинг кўпайишини тўхтатишини аниқлаш билан исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

глицирризин кислотасининг моноаммонийли тузини мочевина ва биурет билан олинган молекуляр комплекслари асосида чигит ва буғдойни унувчанлигини оширувчи биостимуляторлар ишлаб чиқилган;

глицирризин кислотасининг аминогуруҳ тутган бирикмалар олинган молекуляр комплекслари кимёвий таркиби асосида синфланиб, уларга тегишли товар кодлари тавсия этилган;

майдаланган куруқ илдиз таркибидаги глицирризин кислотасининг миқдори фотометрик метод ёрдамида аниқлаш мумкинлиги аниқланган;

камқонлик касаллигини олдини олиш ва даволашда қўллаш учун таркибида ширинмия илдиз экстракти сақловчи биологик фаол озик-овқат қўшилмаси ишлаб чиқилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** олинган янги бирикмаларнинг таркиби юпқа қатламли ва юқори самарали суяқлик хромотография усулларида, уларни тузилиши УВ- ва ИҚ-спектроскопия ва масс-спектрометрия, ҳамда изомоляр сериялар методи ёрдамида аниқланганлиги, олинган бирикмаларнинг токсикологик кўрсаткичлари, антиоксидант, фунгицид ва биостимулятор хоссаларини етакчи илмий-тадқиқот лабораторияларида ўтказилган тажрибаларда тасдиқланганлиги, олинган натижаларнинг илмий нашрларда чоп этилган, эришилган амалий натижаларни Республика ваколатли давлат тузилмалари фаолиятига жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти препаратив усул билан глицирризин кислотаси асосида биологик фаол янги молекуляр комплекс бирикмалар олинлиги, уларнинг тузилиши ва таркиби хромотографик ва спектроскопик методлар ёрдамида исботланганлиги, ҳамда биологик фаоллиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти глицирризин кислотаси асосида олинган янги молекуляр комплекслар пахта ва буғдой экинлари учун самарали биостимулятор хоссасига эга эканлиги, ушбу бирикмаларнинг кимёвий таркиби асосида ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича тегишли код рақами ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ширинмия илдизи ва глицирризин кислотаси асосида янги биологик фаол моддалар олиш ҳамда уларни кимёвий таркиби асосида синфлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

глицирризин кислотасининг моноаммонийли тузи ва мочевина асосида олинган ғўза чигитини униб чиқишига таъсир этувчи биостимуляторни қўллаш технологияси Андижон вилоятида жами 242 гектар буғдой

майдонларига (2018-2020 йй.) жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 14 майдаги 07/35-04/3013-сон; Андижон вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2022 йил 26 июлдаги 01/11-922-сон маълумотномалари). Натижада, биостимулятор билан ишлов берилган майдонларнинг ҳар гектаридан 7 ц гача кўшимча ҳосил олиш имконини берган;

таркибида ширинмия илдизи экстракти бўлган FERRAKON BABY озиқ-овқат кўшилмаси кимёвий таркиби асосида синфланиб, ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича 1212 99 950 1 товар коди ишлаб чиқилган ва давлат божхона амалиётига қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 11 майдаги 16/05-22-0234-сонли маълумотномаси). Натижада, таркибида ширинмия илдизи экстракти сақловчи биологик фаол озиқ-овқат кўшилмаларини кимёвий таркиби бўйича синфлаш имконини берган;

таркибида ширинмия илдизи бўлган “FERRAKON BABY” озиқ-овқат кўшилмаси учун Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаш тизими томонидан мувофиқлик сертификати берилган (UZ.SMT.01.0007.66806862, 27.07.2021 й., Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 360006-сон хулосаси). Натижада, Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги “VITABIOTIK” ХК да FERRAKON BABY биологик фаол озиқ-овқат кўшилмасини ишлаб чиқариш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 27 та, жумладан 5 та халқаро ва 22 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 55 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларида 22 та мақола, хорижий тақриз қилинадиган журналларда 6 та мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертацияда жами 26 та жадвал ва 36 та расм берилган. Диссертациянинг ҳажми 182 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Ширинмия ўсимлиги ҳақида маълумот. Глицирризин кислотаси ва унинг моноаммонийли тузини молекуляр комплекслари (адабиётлар шарҳи)” деб номланган биринчи бобда доривор ўсимликларнинг биологик фаол моддаларнинг асосий манбайи сифатидаги аҳамияти, тритерпен сапонинларнинг турлари, ширинмия ўсимлигининг турлари, кимёвий таркиби, ширинмия илдизининг асосий таркибий қисми бўлган глицирризин кислотаси ва унинг моноаммонийли тузи асосида олинган молекуляр комплекслар, глицирризин кислотаси ва ширинмия илдизи компоненти сақловчи доривор препаратлар ҳамда ширинмия хом-ашёси ва дори препаратларини стандартлаш ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Глицирризин кислотаси ва унинг моноаммонийли тузи ҳамда уларнинг молекуляр комплексларини олиниши (олинган натижалар муҳокамаси)” номли иккинчи бобда глицирризин кислотасининг кимёвий тузилиши, унинг айрим ўзига хос хусусиятлари, глицирризин кислотаси моноаммонийли тузининг мочевина, тиомочевина, метилолтиомочевина, биурет, о-аминофенол ва амигдалин билан молекуляр комплексларининг олиниши, ушбу бирикмаларнинг тузилишини УБ-, ИҚ-спектроскопия ва масс-спектрметрия методлари ёрдамида ўрганиш, шунингдек изомоляр сериялар ва ЮССХ методлари ёрдамида таркибини таҳлил қилиш натижалари муҳокама қилинади.

Ушбу тадқиқот ишида биринчи марта глицирризин кислотаси моноаммонийли тузининг мочевина, тиомочевина, метилолтиомочевина, биурет ва о-аминофенол билан молекуляр комплекслари препаратив усул билан олинди.

1-жадвал

ГКМАТ-R комплексларининг УБ ва ИҚ спектрал кўрсаткичлари

R	Нисбат	УБ-спектр $\lambda_{\max}$ , нм (lgε)	ИҚ-спектр $\nu$ , см <sup>-1</sup>	
			-ОН, -NH-	>C=O
Мочевина	1:1	255 (4,2)	3404, 3218	1715, 1700
	2:1	253 (4,1)	3397, 3180	1720, 1696
	4:1	253 (4,1)	3375, 3200	1720, 1690
Тиомочевина	1:1	240 (4,2)	3381, 3220	1712, 1685
	2:1	240 (4,3)	3394, 3200	1718, 1656
	4:1	245 (4,2)	3379, 3210	1714, 1657
Метилол- тиомочевина	1:1	240 (4,1)	3368, 3205	1714, 1655
	2:1	254(4,1)	3382, 3220	1719, 1660
	4:1	253(4,2)	3392, 3190	1723, 1660
Биурет	1:1	252 (4,0)	3350, 3200	1722, 1698
	2:1	254 (4,1)	3400, 3200	1704, 1682
	4:1	253 (4,2)	3390, 3230	1700, 1650

Олинган молекуляр комплексларнинг айрим физик кўрсаткичлари аниқланди, комплекдаги компонентларнинг ўзаро таъсири табиати УБ-, ИҚ-спектроскопия ва масс-спектрометрия методлари ёрдамида таҳлил қилинди. Спектрал маълумотларга кўра комплекс ҳосил бўлиши асосан водород

боғлар ва диполь-диполь ўзаро таъсирлашув билан боғлиқ. Буни спектрдаги OH, >C=O ва –NH- гуруҳларга хос ютилиш чизиқларининг сурилишида кўриш мумкин (1-жадвал).

Олинган бирикмаларнинг масс-спектрларида мономер, димер, тетрамер ҳолатдаги комплексларнинг ионларига хос бўлган сигналлар, жумладан ГКМАТ нинг мочевина билан олинган молекуляр комплексининг спектрида икки зарядли мономер ҳолатдаги 1:1 нисбатдаги бирикмага хос бўлган ионнинг сигнаliga тегишли пиклар мавжуд (2-жадвал).

2-жадвал

**ГКМАТ нинг мочевина билан комплекси масс-спектридаги асосий сигналлар**

Ион	<i>m/z</i>	Интенсивлик %
$[2M^{GC}+H]^+$	1643,1000	21,4
$[3M^{GC}+M^M+H]^{2+}$	1206,2000	7,1
$[M^{GC}+M^M+H]^+$	900,4000	11,4
$[M^{GC}+M^M+2M^{H_2O}+M^{NH_3}+3H]^{2+}$	747,5000	92,8

ГКМАТ нинг тиомочевина билан олинган молекуляр комплексининг масс-спектрида ҳам мономер, димер, тетрамер ҳолатдаги комплексларнинг ионларига хос бўлган сигналлар мавжуд. Масс-спектрдаги энг юқори интенсивлик икки зарядли тетрамер шаклида бўлган 1:1 нисбатдаги молекуляр комплексга тегишли (3-жадвал).

3-жадвал

**ГКМАТ нинг тиомочевина билан комплекси масс-спектридаги асосий сигналлар**


Ион	<i>m/z</i>	Интенсивлик %
$[2M^{GC}+4M^{TM}-M^{NH_3}+H]^+$	1967,2000	95,0
$[4M^{GC}+4M^{TM}-2M^{NH_3}-4H]^{2+}$	1794,1000	100,0
$[5M^{GC}+5M^{TM}-NH_3+H]^{3+}$	1487,7000	13,2
$[2M^{GC}+M^{GA}+M^{TM}-6H]^+$	1107,0000	52,4
$[2M^{GC}+2M^{TM}+Na+H]^{2+}$	927,1000	35,3
$[M^{GC}+M^{TM}-M^{NH_3}+H]^{3+}$	299,7000	70,0

Олинган комплексларнинг таркиби изомоляр сериялар методи ёрдамида ўрганилди. Ушбу метод комплекс бирикмаларнинг таркибини аниқлашда қўлланиладиган қулай методлардан ҳисобланади.

Изомоляр сериялар методи реагентларни ҳосил бўладиган бирикманинг максимал унумига тўғри келадиган изомоляр концентрациялар нисбатини аниқлашга асосланган.

Олинган натижалар асосида ГКМАТ нинг мочевина ҳосилалари, о-аминофенол ва амигдалин билан олинган комплекс учун барқарорлик константаси ( $K_S$ ) ва Гиббс энергиясининг ўзгариши ( $\Delta G$ ) қийматлари ҳисобланди. Ушбу кўрсаткичлар олинган комплекснинг нисбатан барқарор эканлигидан далолат беради. Адабиётларда ГКМАТнинг қатор қуйи молекуляр биологик фаол моддалар билан олинган комплексларнинг барқарорлик константалари ҳамда Гиббс эркин энергияларининг қийматлари келтирилган.

Қуйидаги расмда изомоляр серияда оптик зичликни ўзгаришига компонентлар (ГКМАТ ва метилолтиомочевина) нисбатининг таъсири график тарзда тасвирланган (1-расм).



1-расм.  $\lambda=254$  нм да изомоляр серияда оптик зичлик ўзгаришини компонентлар нисбатига боғлиқлиги ( $c_{\text{ГКМАТ}}=10^{-4}$  М,  $c_{\text{МТМ}}=10^{-4}$  М; рН=7,2).

4-жадвал


Изомоляр сериялар методи бўйича аниқланган қийматлар

№	Комплекс	Нисбат	Изобестик нукта нм	$K, \text{M}^{-1}$	$\Delta G, \text{kJ/mol}$
1	ГКМАТ-М	1:1	>300	$3,4 \cdot 10^4$	$-2,8 \cdot 10^5$
2	ГКМАТ-ТМ	2:1	235	$8,35 \cdot 10^6$	$-3,97 \cdot 10^4$
3	ГКМАТ-МТМ	1:1	242	$7,2 \cdot 10^5$	$-3,3 \cdot 10^4$
4	ГКМАТ-Б	1:1	>300	$1,5 \cdot 10^4$	$-3,8 \cdot 10^5$

Барқарорлик константаси ва Гиббс энергиясининг ўзгаришини аниқлаш натижаларидан (4-жадвал) кўриш мумкинки, тиомочевина билан олинган комплекс нисбатан барқарор. Буни олинугурт атомининг электронодонор хоссасини кислородга қараганда кучлироқ эканлиги билан изохлаш мумкин. Мочевина билан комплекс ҳосил бўлиш жараёнида Гиббс энергиясининг ўзгариши қиймати кичикроқ эканлиги мочевинанинг реакция қобилияти юқори эканлигини кўрсатади.

**ГКМАТ нинг *o*-аминофенол билан молекуляр комплекслари.** Ишнинг ушбу қисмида ГК нинг янги биологик фаол ҳосилаларини олиш мақсадида ГКМАТ нинг *орто*-аминофенол билан молекуляр комплекслари олинди.

Олинган молекуляр комплексларни УБ–спектрлари таҳлил қилинганда (2-расм) 1:1 ва 2:1 нисбатларда олинган комплекслар спектрида 258-260 нм соҳаларда ГКМАТ нинг агликон қисмидаги қўшбоғ билан туташ (конъюгирланган) карбонил гуруҳига ( $\text{O}=\text{C}-\text{C}=\text{C}-$ ) ҳос ютилиш максимумлари кузатилди. Комплексларнинг спектрларида, жумладан 1:1 нисбатдаги комплекс спектрида 254 нм даги ютилиш максимумлари йўқлиги ва 258 нм да ютилиш максимуми кузатилиши бу бирикма сиртки таъсирлардан ҳоли ва асосан водород боғлар ҳисобига ҳосил бўлиши таҳмин қилинди.



**2-расм. ГКМАТни *o*-аминофенол билан молекуляр комплексини УБ-спектри.**

Шундай қилиб комплекслар карбоксил гуруҳлар ( $>C=O$ ) ва аммоний иони ( $NH_4^+$ ) орасидаги водород боғлар, шунингдек, компонентлараро гидрофоб таъсирлашув боис юзага келишини тахмин қилиш мумкин. ГКМАТ нинг *o*-аминофенол билан комплекслари ИҚ-спектрлари  $3500-3250\text{ см}^{-1}$  да -ОН гуруҳига,  $1722-1718\text{ см}^{-1}$  да  $>C=O$  ( $-COOH$ ) га,  $1656-1648\text{ см}^{-1}$  да агликоннинг туташ карбонилига таалуқли ютилиш чизиқлари билан характерланади.

Реагентларнинг -ОН ва  $>C=O$  гуруҳларига хос ютилиш максимумлари паст частотали соҳага  $10-20\text{ см}^{-1}$  га сурилиши комплекслар водород боғлар ҳисобига ҳосил бўлганидан далолат беради. Комплекслар спектрлари таҳлили асосида олинган натижалар ҳамда қилинган хулосалар адабиётларда келтирилган маълумотларга мос келади.

5-жадвал

**ГКМАТ нинг *o*-аминофенол билан олинган молекуляр комплексларининг айрим кўрсаткичлари**

Компонентлар нисбати	Т.с. °С	ИҚ-спектр, $\nu, \text{см}^{-1}$		УБ-спектр, $\lambda_{\text{max}}$ ( $H_2O$ ), $\lg \epsilon$	Унум %
		-ОН, -NH-	$>C=O$		
1:1	$195 \pm 1$	3250-3200 2936	1722-1698	258 (4,1)	87
2:1	$198 \pm 1$	3260-3200 2961	1704-1682	258 (4,1)	85
4:1	$200 \pm 2$	3300-3200 2986	1700-1650	260 (4,2)	88

Диссертациянинг учинчи боби “Глицирризин кислотаси ва унинг моноаммонийли тузининг сульфаниламид препаратлар билан молекуляр комплексларини олиниши” деб номланган бўлиб, бу бобда глицирризин кислотаси ва унинг моноаммонийли тузини Норсульфазол-На (НСФ), Сульфазин (СФ), Сульфасалазин (СФС), Сульфаметаксозол (СФМ) ва Сульфапиридазин (СФП) билан олинган молекуляр комплекслари ҳақида маълумотлар берилган.

Олинган молекуляр комплекс бирикмаларнинг тузилиши УБ- ва ИҚ-спектроскопик усуллар ёрдамида таҳлил қилинди. Чунончи, олинган бирикмаларнинг УБ-спектрида ГК молекуласининг агликон қисмидаги туташ  $C^{11}=O$  ва  $C=C$  гуруҳларнинг электронларига тегишли  $\pi \rightarrow \pi^*$  ўтишга мос келадиган интенсив ютилиш максимуми 260 нм тўлқин узунлигидаги соҳада


кузатилади. ГК нинг УБ спектрида ушбу ютилиш максимуми 254 нм соҳада кўринади.

б-жадвал


**ГК нинг сульфаниламид препаратлар билан олинган молекуляр комплексларини айрим физик-кимёвий кўрсаткичлари**

Комплекс	Нисбат	Т.с. °С	ИК-спектр, $\nu$ , $\text{cm}^{-1}$		УБ-спектр $\lambda_{\text{max.}}(\text{H}_2\text{O})$ , $\text{lg}\epsilon$	Унум %
			-ОН, -NH-	>C=O		
ГК-НСФ	1:1	190-192	3350-3240	1722, 1698	258 (4,0)	91
	2:1	196-198	3400-3200	1704, 1682	256(4,1)	93
ГК-СФП	1:1	188-190	3253-3228	1725, 1653	260 (4,1)	92
	2:1	193-195	3220-3200	1730, 1646	259 (4,0)	86
ГК-СФ	1:1	184-186	3255-3200	1713, 1652	260 (4,0)	87
	2:1	189-192	3247-3215	1724, 1653	259(3,8)	83
ГК-СФМ	1:1	191-193	3390-3350	1723, 1695	260 (4,2)	92
	2:1	197-198	3388-3340	1723, 1657	258(4,1)	86
ГК-СФС	1:1	186-187	3385-3415	1672, 1658	260(3,5)	95
	2:1	190-192	3330-3380	1718, 1698	258(3,2)	91

Олинган молекуляр комплекслардаги молекулалараро таъсирлашув табиати ИҚ-спектрлар ёрдамида таҳлил қилинди. Чунончи, НСФ билан олинган бирикма ИҚ-спектрнинг  $3500\text{-}3200\text{ cm}^{-1}$  соҳаси -ОН гуруҳлари ва  $1658\text{-}1724\text{ cm}^{-1}$  соҳада агликоннинг туташ карбонилига ҳамда карбоксил гуруҳларига хос ютилиш чизиқлари билан характерланади.  $1659$  ва  $1623\text{ cm}^{-1}$  да НСФ нинг ароматик ҳалқасидаги  $\text{-NH}_2$  га тааллуқли сигналлар йўқолиши ҳамда карбоксил гуруҳи ва мураккаб эфир боғидаги  $>\text{C}=\text{O}$  гуруҳнинг ютилиш чизиғи бошланғич моддалар спектридаги тегишли гуруҳларнинг ютилиш чизиқларига нисбатан  $10\text{-}20\text{ cm}^{-1}$  куйи ютилиш соҳаларга силжиши, ГК ва СФ молекулалари орасида молекулалараро водород боғлар ҳосил бўлганини тасдиқлайди (3-расм).



3-расм. ГК нинг НСФ билан комплекс бирикмаси ИҚ-спектри.



4-расм. ГК нинг СФМ билан молекуляр комплекси ИҚ спектри.

ГК нинг СФМ билан олинган молекуляр комплекснинг тузилиши ҳам ИҚ-спектроскопия усулда таҳлил қилинди. Мазкур комплекснинг спектрида СФМ нинг  $\text{-NH}_2$  гуруҳига тегишли бўлган ютилиш чизиғи ( $3347 \text{ cm}^{-1}$ ) нинг йўқолиши ҳамда ГК нинг углевод қисмидаги  $\text{-OH}$  гуруҳларига хос бўлган ютилиш чизиқлари ( $3390 \text{ cm}^{-1}$ ) ни кам энергияли майдонга томон қисман силжиши,  $\text{O=C-C=C-}$  ва  $\text{O=CO-NH}_4^+$  гуруҳларига тегишли ютилиш чизиқларининг (мос равишда  $1695$  ва  $1658 \text{ cm}^{-1}$  да) қайд этилиши комплекс бирикма ҳосил бўлганини кўрсатади. Комплекс спектрида  $\text{-C=O}\cdots\text{NH}_4^+$  ( $1650 \text{ cm}^{-1}$ ) ва  $\text{-C=O}\cdots\text{H-O-N}$  боғларга хос ( $1705 \text{ cm}^{-1}$ ) ютилиш чизиқларининг мавжудлиги юқоридаги хулосани тасдиқлайди (4-расм).

Олинган бирикмаларнинг таркибини ўрганиш учун изомоляр сериялар методидан фойдаланилди.

ГК нинг тегишли сульфаниламид билан олинган комплексларни таркибини ўрганиш учун ҳосил бўлган ҳар бир эритманинг оптик зичлиги аниқланди. Олинган натижалар асосида компонентларнинг нисбати, шунингдек, олинган комплексларнинг барқарорлик константалари ва комплексларнинг ҳосил бўлиш Гиббс энергиялари ҳисобланди (7-жадвал).

7-жадвал

Изомоляр сериялар методи бўйича аниқланган қийматлар

№	Комплекс	Нисбат	Изобестик нуқта, нм	$K_S, \text{M}^{-1}$	$\Delta G, \text{kJ/mol}$
1	ГК-НСФ	1:1	245	$3,2 \cdot 10^4$	$-3,18 \cdot 10^5$
2	ГК-СФП	2:1	245	$3,5 \cdot 10^6$	$-3,7 \cdot 10^5$
3	ГК-СФ	1:1	310	$4,5 \cdot 10^6$	$-3,2 \cdot 10^5$
4	ГК-СФМ	2:1	245	$6,2 \cdot 10^6$	$-4,2 \cdot 10^5$
5	ГК-СФС	1:1	242	$6,8 \cdot 10^6$	$-5,8 \cdot 10^5$

Юқоридаги каби, ГКМАТ нинг норсульфазол, сульфаметаксозол ва сульфапиридазин препаратлари билан молекуляр комплекслари олинди ҳамда уларнинг тузилиши УБ ва ИҚ спектрлар ёрдамида таҳлил қилинди.

Дастлабки моддалар ва олинган комплексларнинг спектрлари таққосланганда комплексларнинг ИК спектрларида  $\text{-OH}$ ,  $\text{-NH-}$  ва  $\text{>C=O}$  гуруҳларга

хос бўлган ютилиш чизиқларининг сурилишини кўриш мумкин (8-жадвал). Жумладан,  $3400\text{ см}^{-1}$  дан паст соҳадаги ютилиш чизиқларининг йўқолшини, ҳамда  $3300\text{-}3200\text{ см}^{-1}$  даги ютилиш чизиқларини  $30\text{-}40\text{ см}^{-1}$  гача юқори частотали соҳага,  $1715\text{-}1646\text{ см}^{-1}$  даги ютилиш чизиқларини  $8\text{-}12\text{ см}^{-1}$  паст частотали соҳаларга сурилиши аниқланди. Ушбу натижалардан хулоса қилиш мумкинки, молекулалардаги  $\text{-OH}$ ,  $\text{-NH-}$  ва  $\text{>C=O}$  гуруҳлари ҳисобига комплекс ҳосил бўлади.

8-жадвал

**ГКМАТ нинг сульфаниламид препаратлар билан олинган молекуляр комплексларини айрим физик-кимёвий кўрсаткичлари**

Комплекс	Нисбат	Т.с. °С	ИК-спектр, $\nu$ , $\text{см}^{-1}$		УБ-спектр $\lambda_{\text{max}}$ (0,01 $\text{H}_2\text{O}$ ), $\lg\epsilon$	Унум %
			$\text{-OH, -NH-}$	$\text{>C=O}$		
ГКМАТ-НСФ	1:1	189-192	3390, 3240	1723, 1695, 1658	260 (4,1)	91
	2:1	193-195	3350, 3225	1713, 1685, 1654	258(4,0)	90
ГКМАТ-СФП	1:1	190-192	3277, 3220	1724, 1658, 1600	259 (4,2)	91
	2:1	195-197	3350, 3300	1713, 1652, 1600, 1550	259 (4,0)	85
ГКМАТ-СФМ	1:1	183-185	3390, 3340	1723, 1695, 1658	262 (4,4)	94
	2:1	187-190	3388-3340	1722, 1697, 1658	258(4,0)	93

Юқоридаги каби, ГКМАТ нинг сульфаниламид препаратлар билан олинган комплексларининг таркиби ҳам изомоляр сериялар методи бўйича ўрганилди, шунингдек, комплексларнинг барқарорлик константалари ва комплекс ҳосил бўлиш жараёнида Гиббс энергиясининг ўзгариши ҳисобланди (9-жадвал).

9-жадвал

Изомоляр сериялар методи бўйича аниқланган қийматлар

№	Комплекс	Нисбат	Изобестик нукта нм	$K_s$ , $\text{M}^{-1}$	$\Delta G$ , $\text{kJ/mol}$
1	ГКМАТ-НСФ	1:1	$>300$	$3,4 \cdot 10^4$	$-2,8 \cdot 10^5$
2	ГКМАТ-НСФ	2:1	235	$8,35 \cdot 10^6$	$-3,97 \cdot 10^4$
3	ГКМАТ-СФП	1:1	270	$4,5 \cdot 10^6$	$-3,2 \cdot 10^5$
4	ГКМАТ-СФМ	1:1	$>300$	$1,5 \cdot 10^4$	$-3,8 \cdot 10^5$

**Глицирризин кислотаси моноаммонийли тузининг амигдалин билан молекуляр комплекси.** Ҳозирги вақтда турли биологик фаол моддалар жумладан, тритерпен гликозидлари ёрдамида доривор моддалар (препаратлар) нинг молекуляр капсулаланиши кенг ўрганилмоқда. Бунда, капсулаланган модданинг физик-кимёвий ва биологик хусусиятлари сезиларли даражада яхшиланиши, самарали дозаларнинг камайиши, захарлилиги эса бир неча баробарга камайиши тажрибаларда аниқланган. Аввалги тадқиқотларимизда ГКМАТ ни баъзи сульфаниламидлар, алкалоидлар сальсолидин, госсипол, мочевина ҳосилалари билан молекуляр комплексларини олинган ва биологик ҳамда фармакологик хусусиятларини

ўрганилган. Бу йўналишдаги ишларни давом эттириб, ГКМАТ нинг амигдалин билан молекуляр комплекси олинди.


Олинган комплекснинг тузилиши УБ- ва ИҚ-спектрлар асосида таҳлил қилинди. Чунончи, комплекс ИҚ спектрининг 3245 ва 3239  $\text{см}^{-1}$  соҳаларида -ОН гуруҳларининг валент тебранишлари билан боғлиқ иккита кенгайган ютилиш чизиқлари кузатилган бўлса, ГКМАТ нинг ИҚ спектрида -ОН гуруҳнинг тебранишлари фақат 3204  $\text{см}^{-1}$  да, амигдалиннинг спектрида эса 3392  $\text{см}^{-1}$  да битта ютилиш чизиғи кўринишида пайдо бўлади. Карбоксил гуруҳдаги  $>\text{C}=\text{O}$  нинг характеристик ютилиш чизиғи 1724  $\text{см}^{-1}$  да кўринади, ГКМАТ нинг спектрида эса бу ютилиш чизиғи 1715  $\text{см}^{-1}$  да кузатилди.

Шундай қилиб, молекуляр комплекс ҳосил бўлишида -ОН ва  $>\text{C}=\text{O}$  гуруҳларининг ютилиш максимумлари ўзгаришини кўришимиз мумкин. Фикримизча, молекуляр комплекс ҳосил бўлишида ГКМАТ молекуласидаги карбоксил ва гидроксил гуруҳлар ҳамда амигдалин молекуласидаги гидроксил гуруҳлари ўртасида вужудга келадиган водород боғлар асосий омил ҳисобланади.

Мазкур комплекснинг таркиби ҳам изомоляр серияли методи бўйича аниқланди. Изомоляр серияларда оптик зичликни компонентларнинг нисбатига боғлиқлигини кўрсатувчи графикга асосан молекуляр комплекснинг таркибий қисмлари учун моляр нисбат  $\approx 1:1$  га тенг деган хулосага келдик.

**Олинган молекуляр комплекслар таркибини юқори самарали суюқлик хроматография методи ёрдамида ўрганиш.** Маълумки, юқори самарали суюқлик хроматографияси методи органик моддалар идентификациясида, уларни миқдорий таркибини ўрганишда кенг қўлланиладиган самарали метод ҳисобланади.

Олинган молекуляр комплексларни сифат жиҳатдан аниқлаш учун дастлабки моддаларни ушлаб туриш вақтидан, миқдорий аниқлаш учун дастлабки моддалар ва комплекс чўққи (пик) ларининг юзаларидан фойдаланилди.



5-расм. ГКМАТ нинг ТМ билан комплекси эритмасининг хроматограммаси

10-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, олинган натижалар назарий маълумотларга тўғри келади. Шундай қилиб, ЮССХ методини ГКМАТ нинг молекуляр комплекслари таркибини сифат ва миқдорий жиҳатдан аниқлаш учун қўллаш мумкин деган хулосага келдик.

10-жадвал

**Олинган айрим комплексларнинг ЮССХ методи бўйича аниқланган сифат ва миқдорий таркиби**

Назарий масса улуш %		Амалда масса улуш %		Фарк %	Ушланиш вақти (мин)
ГКМАТ	Тиомочевина	ГКМАТ	Тиомочевина		
91,7	8,3	90,8	8,2	0,98	7,529
	Мочевина		Мочевина		
93	7	92,2	6,8	0,86	7,423
	Амигдалин		Амигдалин		
64,7	35,2	63,4	34,6	2,0	7,546
	НСФ		НСФ		
75,3	25,6	73,4	24,7	1,2	7,509
	СФП		СФП		
75	25	74,2	24,6	1,06	7,527

Диссертациянинг **“Глицирризин кислотаси ва унинг моноаммонийли тузининг молекуляр комплексларини биологик фаоллиги, кимёвий таркиби асосида синфлаш”** деб номланган тўртинчи бобида глицирризин кислотаси ва унинг моноаммонийли тузи асосида олинган молекуляр комплексларининг биологик фаоллигини ўрганиш ва уларни кимёвий таркиби асосида синфлаш бўйича олинган натижалар муҳокама қилинган.

Янги дори воситалар ишлаб чиқиш ва уларни ҳар томонлама ўрганиб амалиётга татбиқ этиш, айниқса коронавирус пандемияси шароитида долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бу масалаларни ҳал этишда кўпроқ маҳаллий табиий хом-ашёлар асосида олинадиган, биологик жиҳатдан бир қатор муҳим хоссаларга эга бўлган моддалар салмоқли ўрин тутди.

ГКМАТ асосида олинган молекуляр комплексларининг антиоксидант таъсири ва токсикологик хусусиятлари ЎзР ФА Биоорганик кимё институтининг «Фармакология» лабораториясида, микроблар ва замбуруғларга қарши фаоллиги ЎзР ФА Микробиология институтининг «Микроб экобиотехнологияси» лабораторияси ходимлари билан ҳамкорликда ўрганилди. Бундан ташқари, мазкур бирикмаларнинг антибиотик потенциалини аниқлаш ҳамда биостимулятор фаоллигини ўрганиш бўйича тажрибалар ГулДУ нинг “Экспериментал биология” лабораторияси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилди.

Антиоксидант фаоллигини аниқлашнинг бир неча усуллари мавжуд. Бу усуллардан бири адреналиннинг *in vitro* шароитида аутооксидланиш реакциясининг ингибирланишига, ҳамда кислороднинг фаол шакли (КФШ) ни ҳосил бўлишига тўсқинлик қилишига асосланган. Текширилаётган препаратларнинг антиоксидант фаоллиги маълум вақт давомида

адреналиннинг аутооксидланишини (АА%) фоизларда кўрсатилган миқдори билан ифодаланади.

$$AA\% = \frac{D_1 - D_2 \times 100}{D_1}$$

Текширилган молекуляр комплексларнинг антиоксидант фаоллиги стандарт антиоксидант препаратлар - кверцетин ҳамда гликлазидга нисбатан қиёсий ўрганилди. Олинган натижаларнинг кўрсатишича, мочевина билан олинган комплекс 100 мг/л (10%) концентрацияда назорат препаратларга яқин фаолликни намоён қилади. 500 мг/л гача концентрацияларда фаоллик ортиб боради. Концентрациянинг 1000 мг/л гача орттирилганда антиоксидант фаоллик бироз пасайиб яна кўтарилиши аниқланди.

Тиомочевина билан олинган комплекснинг антиоксидант фаоллиги 100 мг/л концентрацияда энг юқори. Концентрация 500 мг/л гача кўтарилганда фаоллик максимал қийматга етди, концентрация 1000 мг/л га оширилганда антиоксидант фаоллик камайиб дастлабки кўрсаткичга яқин келиши аниқланди. Амигдалин билан олинган комплекснинг фаоллиги 200 мг/л (20 %) концентрацияда энг юқори эканлиги қайд этилди.

Шундай қилиб, ГКМАТ нинг текширилган молекуляр комплекслари кверцетин ва гликлазид каби антиоксидант фаоллигига эга деб ҳисоблаш мумкин. Таъкидлаш лозимки, паст концентрацияларда (100-300 мг/л) комплексларнинг антиоксидант фаоллиги кверцетиннинг фаоллигидан юқори.

**ГКМАТ нинг тиомочевина билан олинган молекуляр комплексларининг микроорганизмларга қарши антагонистик фаоллиги.** Маълумки, физиологик фаол моддалар фаоллигини оширишнинг мақбул йўлларида бири уларнинг анъанавий биологик фаол моддалар билан ҳосилаларини олишдир. Ширинмия илдизи компонентларининг, айниқса ГК ва унинг ҳосилалари, жумладан ГКМАТ нинг антивирус, антибактериал фаоллиги кейинги пайтларда клиницистлар, вирусологлар ва фармакологларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Чунончи, ГК ва ГКМАТ нинг бир қатор вируслар репродукциясини тўлиқ ингибирлаши аниқланган. Шунингдек, ГК ва унинг ҳосилалари одам иммунотанқислиги вирусининг кўпайишини тўхташи ҳақида маълумотлар келтирилган. ГК ва унинг ҳосилаларини короновирусга (SARS-CoV) қарши фаоллигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда дунё амалиётида ГКМАТ нинг тиомочевина билан олинган молекуляр комплекслари асосида захарли таъсири бўлмаган микроорганизмларга қарши препаратлар олиш ва уларни биологик фаолликларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилаётгани ҳақида илмий адабиётларда маълумотлар келтирилмаган.

Ушбу тадқиқотда илк бор ГКМАТ нинг тиомочевина ва бир қатор сульфаниламид препаратлар билан олинган молекуляр комплексларининг патоген микроорганизмларга қарши антагонистик фаолликлари ўрганилди. Олинган натижалар мазкур комплексларнинг антимиқроб фаолликга эга эканлигини кўрсатди.

Комплексларнинг микроорганизмларга қарши таъсирини аниқлашда бактерияларнинг *Bacillus subtilis*, *Escherichia coli*, *Pseudomonas aeruginosa*, *Staphylococcus aureus* турларидан ва *Candida albicans*, *Mucor sp.*, *Monilia sp.*, *Fusarium oxysporium*, *Alternaria alternaria* замбуруғлардан фойдаланилди.

ГКМАТ нинг комплекс бирикмаларини антибиотик фаоллиги турли хил концентрацияли эритмаларни микроорганизмларга фаоллигини текшириш жараёнида олинган синов микроорганизмларнинг ўсиш зоналари диаметрини ўлчаш орқали қаттиқ озуқавий муҳитда агар-агарга тарқалиш йўли билан амалга оширилди (тажриба жараёнида микроорганизмлар ўсиши зоналарнинг диаметри 0,1 мм аниқликда ўлчанган).

11-жадвал

**ГКМАТ-Тиомочевина молекуляр комплексининг микроорганизмларга таъсири**

Микроорганизм	Комплекс	Микроорганизмларнинг нобуд бўлиш зонаси (мм)		
		5 мг/мл	10 мг/мл	15 мг/мл
<i>Bacillus subtilis</i>	1:1	9,5	10,0	10,0
	2:1	9,0	9,5	10,0
	4:1	8,0	8,5	8,5
	Назорат	10,0	11,0	8,5
<i>Escherichia coli</i>	1:1	14,5	15,0	18,0
	2:1	13,0	14,5	17,5
	4:1	12,0	12,5	15,0
	Назорат	11,0	12,0	14,5
<i>Pseudomonas aeruginosa</i>	1:1	12,0	12,5	14,5
	2:1	11,0	12,0	13,5
	4:1	10,0	11,0	12,0
	Назорат	11,5	12,5	13,5
<i>Staphylococcus aureus</i>	1:1	0	0	0
	2:1	0	0	0
	4:1	0	0	0
	Назорат	10,0	11,5	12,5
<i>Candida albicans</i>	1:1	9,5	10,0	11,5
	2:1	9,0	10,0	11,0
	4:1	8,0	8,5	10,0
	Назорат	9,5	10,5	12,5
<i>Alternaria alternata</i>	1:1	0	0	0
	2:1	0	0	0
	4:1	0	0	0
	Назорат	10,5	11,5	13,5
<i>Monilia sp.</i>	1:1	0	0	0
	2:1	0	0	0
	4:1	0	0	0
	Назорат	12,5	13,5	13,5
<i>Fusarium oxysporum</i>	1:1	11,0	11,5	13,0
	2:1	10,5	11,0	12,5
	4:1	9,0	10,0	10,5
	Назорат	9,0	11,5	12,5

11-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, ГКМАТ нинг тиомочевина билан олинган комплекси 5, 10, 15 мг/мл концентрацияларда *Bacillus subtilis* вегетатив хужайраларини, шартли патоген бактериялар *Escherichia coli*, *Pseudomonas aeruginosa* ўсишини тўхтатди. Лекин, *Staphylococcus aureus* ўсишига таъсир этмади. Замбуруғлардан *Candida albicans* ва *Fusarium ocsisporium* нинг ўсишига комплекс антагонистик таъсир кўрсатди, бироқ *Mucor sp* ва *Monilia sp.* замбуруғларида бу кузатилмади.

Олинган натижалардан кўришиб турибдики, ҳозирги кунда тиббиётда кенг қўлланиладиган нистатин (назорат) дори воситасига таққослаганда 2:1 нисбатдаги ГКМАТ-ТМ комплексининг 15 мг/мл концентрацияли эритмаси *Escherichia coli*, *Pseudomonas aeruginosa* бактерияларига ҳамда *Candida albicans* ва *Fusarium ocsisporium* замбуруғларига қарши самарали таъсир этиши аниқланди. Олинган натижалардан хулоса қилиш мумкинки, ГКМАТ тиомочевинани микроорганизм хужайраси девори орқали ўтишини осонлаштиради. Натижада тиомочевина микроорганизм хужайраси ичидаги модда алмашинувига фаол таъсир этиб, хужайранинг ривожланишини тўхташига олиб келади.

Тақиқотлар давомида ГК нинг НСФ, СФС, СФМ билан олинган молекуляр комплексларини *Bacillus subtilis*, *Escherichia coli*, *Pseudomonas aeruginosa*, *Staphylococcus aureus* бактерияларига ва *Candida albicans*, *Mucor sp.*, *Monilia sp.*, *Fusarium ocsisporium*, *Alternaria alternaria* замбуруғларига таъсири ўрганилди.

